

333 - وَعَنْ زَيْنَبِ التَّقِيَّةِ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَعَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَصَدَّقْنَ يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ وَلَوْ مِنْ حُلِيلِكُنَّ» قَالَتْ: فَرَجَعْتُ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ فَقُلْتُ: إِنَّكَ رَجُلٌ حَفِيفٌ ذَاتٌ الْيَدِ، وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أَمْرَنَا بِالصَّدَقَةِ، فَأَتَيْتُهُ فَاسْأَلَهُ: فَإِنْ كَانَ ذَلِكَ يُبْخِزُنِي عَنِّي، وَإِلَّا صَرَفْتُهَا إِلَى عَيْرِكُمْ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: بَلْ ائْتِنِيهِ أَنْتِ، فَأَنْطَلَقْتُ؛ فَإِذَا امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ بَيْابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتِهَا، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أُفْعِيَتْ عَلَيْهِ الْمَهَابَةُ، فَخَرَجَ عَلَيْنَا بِلَالٌ، فَقُلْنَا لَهُ: ائْتِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخْبَرَهُ أَنَّ امْرَأَتَيْنِ بِالْبَابِ تَسْلَأَنِكَ: أَبْخِزُنِي الصَّدَقَةُ عَنْهُمَا عَلَى أَرْوَاحِهِمَا وَعَلَى أَيْتَامِ فِي حُجُورِهِمَا؟ وَلَا تُحْبِرْهُمْ مِنْ نَحْنُ، فَدَخَلَ بِلَالٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ [فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ هُمَا؟» قَالَ: امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ وَزَيْنَبٌ】 فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ الزَّيَانِبِ هِيَ؟» قَالَ: امْرَأَةُ عَبْدِ اللَّهِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هُمَا أَجْرَانِ: أَجْرُ الْقَرَابَةِ وَأَجْرُ الصَّدَقَةِ». مُتَقَوْ عَلَيْهِ. [خ 1466، م 1000].

333. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг хотинлари Зайнаб ас-Сақафийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй аёллар! Тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилинглар», дедилар. Мен Абдуллоҳнинг олдига қайтиб, «Сиз камхарж одамсиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни садақа қилишга буюрдилар. Бориб, у зотдан сўранг-чи, (садақани сизга берсам ва) бу мен учун жоиз бўлса бўлди, бўлмаса сизлардан бошқаларга бераман», дедим. Абдуллоҳ менга: «Йўқ, ўзинг бор», деди. Бордим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдида бир ансория турибди. У ҳам худди шу иш

билан келган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳобатли зот эдилар (шунинг учун киришга юрагимиз бетламади). Олдимизга Билол чиқиб қолган эди, унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, эшик олдида икки аёл турибди, эрига ва қарамоғидаги етимларга садақа қилса жоизми, деб сўрашяпти, деб айт. Лекин у зотга бизнинг кимлигимизни айтма», дедик. Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кириб, у зотдан сўрабди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**У икки аёл кимлар экан?**» дебдилар. У: «Бир ансория билан Зайнаб», дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қайси Зайнаб?**» дебдилар. У: «Абдуллоҳнинг аёли», дебди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Уларга икки ажр бор: қариндошлиқ ажри ва садақа ажри**», дебдилар».

Муттафақүн алайҳ.

Шарҳ: “Аввал хеш, кейин дарвеш” деган гап бор. Аввал ўз қариндошларга яхшилик қилишнинг, хайр-эҳсонни улардан бошлашнинг яна бир ҳикмати икки карпа ажру савобга эга бўлиш экан.

Ушбу ривоятда Ибн Масъуднинг завжаси Зайнаб разияллоҳу анҳумо бир ансория аёли билан келиб Ҳазрати Билол орқали қариндошларга садақа қилиш тўғрисида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўратгандарида, у ҳужраи саодатдан ушбу ҳадиси шарифни олиб чиққан экан:

“У икковига икки ажр бор: қариндошлиқ ажри ва садақа ажри”.

Имом Табароний ривоятида эса: “Қариндошларга қилинган садақа икки марта ажрни кўпайтиради”, дейилган.

Манба: hadis.islom.uz

